

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК 336.5:334.75(575.1)*

**МАХМУДОВ ДИЛМУРОД САМИЖОН ЎҒЛИ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК КРЕДИТЛАРИДАН САМАРАЛИ**  
**ФОЙДАЛАНИШ**  
**(“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки материаллари**  
**мисолида)**

**5A230102 – “Иқтисодиёт (реал сектор)” мутахассислиги бўйича**

**МАГИСТР**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**н.ф.н., доц. Ш.Мўминов**


**Тошкент – 2018**

Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилади: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчаси ва уларнинг моҳияти; тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари; тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётининг таҳлили (“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки материаллари мисолида); тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан таклиф сифатида қабул қилинди.

The following major issues are solved in the dissertation: the concept and essence of small business and private entrepreneurship; - legal basis of commercial banks' lending activity of small businesses; analysis of crediting practice of commercial banks by small businesses (on the example of materials of Joint-Stock Commercial Bank "Mikrokreditbank"); commercial banks have solved the issues related to the crediting of small businesses and ways of their elimination. The application of scientific and practical recommendations developed in the course of the research was accepted by the Joint-Stock Commercial Bank "Mikrokreditbank".

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 10-сонли баённома «17» сентяб 2018 й.


Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Ш.Мўминов

 19.08.18

ИМЗО

сана

Магистр: Махмудов Д.С



19.08.18

ИМЗО

сана

**“Ҳимояга тавсия этилади”**

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси  
мудир, доц. И.Хотамов



“04” июнь 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “19” сентяб соат 19<sup>00</sup> да Тошкент давлат  
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                                                                  |           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                                                                | <b>3</b>  |
| <b>I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК<br/>ТУШУНЧАСИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЛАР<br/>ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ<br/>АСОСЛАРИ.....</b>                     | <b>10</b> |
| 1.1. Кичик бизнес тушунчаси хусусидаги назарий қарашлар ва<br>уларнинг моҳияти.....                                                                                              | 10        |
| 1.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари<br>фаолиятини кредитлашни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.....                                                        | 28        |
| 1.3. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига<br>микромоллиявий хизматлар кўрсатиш тартиби.....                                                                     | 35        |
| Биринчи боб бўйича хулоса.....                                                                                                                                                   | 43        |
| <b>II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК<br/>БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ<br/>АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....</b>                                                        | <b>45</b> |
| 2.1.Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари<br>фаолиятини кредитлаш амалиётининг таҳлили (“Микрокредитбанк”<br>акциядорлик тижорат банки материаллари мисолида)..... | 45        |
| 2.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари<br>фаолиятини микрокредитлаш амалиёти (“Микрокредитбанк”<br>акциядорлик тижорат банки материаллари мисолида).....       | 55        |
| Иккинчи боб бўйича хулоса.....                                                                                                                                                   | 70        |
| <b>III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК<br/>БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ<br/>БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ<br/>ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>                 | <b>72</b> |
| 3.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари<br>фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар.....                                                                     | 72        |
| 3.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари<br>фаолиятини кредитлаш амалиётини ривожлантириш истиқболлари.....                                                      | 79        |
| Учинчи боб бўйича хулоса.....                                                                                                                                                    | 87        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                                                                                               | <b>89</b> |
| <b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>                                                                                                                                     | <b>93</b> |

## Кириш

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Мамлакатимизда бугунги кунда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, иқтисодиётимиз реал секторини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳамда унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Жаҳондаги тараққий этган қатор ривожланаётган мамлакатлардаги барқарор иқтисодий ўсиш бевосита кичик бизнес субъектларига боғлиқ бўлганлиги сабабли уни кредитлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки 2016 йилда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун умумий қиймати 892,0 миллион евро бўлган 76 та лойиҳани молиялаштирди. Бу эса 2015 йилга нисбатан 203,0 миллион еврога (29.5%) кўпдир<sup>1</sup>.

Шунингдек, юртимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек, аҳоли бандилигини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда сўнги йилларда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, рақобатни янада ривожлантириш борасида банк тизимида ҳам кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда энг аввало меёрий-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди, Марказий банкнинг тегишли меёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматларининг янги турларини жорий қилиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш имкониятини яратди.

---

<sup>1</sup> European bank for reconstruction and development. Annual reports. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)